

ЖАМАҲМАТОВ Каромиддин Айнилло ўғли
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази
директори ўринбосари
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти университети докторанти
(DSc)

Email. jamahmatovkaromiddin@gmail.com

МАНБАЛАРДА САЙИД НИЗОМИДДИН МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАВСИФИ

ОПИСАНИЕ ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ САИДА НИЗОМИДДИНА МУҲАММАДА ТЕРМИЗИ В ИСТОЧНИКАХ

DESCRIPTION OF LIFE AND CREATIVE ACTIVITY OF SAYID NIZOMIDDIN MUHAMMAD TERMIZI IN SOURCES

Аннотация. Сайид Низомиддин Муҳаммад Маъсум ибни Сафойи Хусайний Термизий XVI-XVII асрларда Ҳиндистонда илмий-ижодий фаолият олиб борган. Ушбу мақолада мутафаккирнинг ҳаёти, бой адабий мероси тавсифи, шеърятнинг маъно-мазмун таҳлилга тортилган. Мутафаккир борасида тарихий ва замонавий манбаларда келган маълумотлар адабий-манбашунослик ва матншунослик услуби асосида ўрганилиб, мавзуга алоқадор илмий хулосалар берилди. Мақола сўнгида Ҳиндистон диёрида фаолият олиб борган Термизийларнинг фаолият йўналиши фактик маълумотлар билан кўрсатиб ўтилди.

Калит сўзлар. Термиз, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, адабий мактаб, шоир, хаттот, моҳир котиб, тарихчи, давлат сиёсати, ҳарбий хизматчи, сайидзода

Аннотация. Сайид Низамиддин Мухаммад Масум ибн Сафайи Хусайни Термизи вел научно-творческую деятельность в Индии XVI-XVII веках. В этой статье рассматривается жизнь и богатое литературное наследие мыслителя, а также анализ смысла и содержания его поэзии. Информация о мыслителе, полученная из исторических и современных источников, была

изучена с использованием методов литературного источниковедения и текстологии, и были сделаны научные выводы, соответствующие данной теме. В конце статьи на основе фактических данных показаны направления деятельности Термизий, работавших в Индии.

Ключевые слова. Термез, Индия, Моваруннахр, литературная школа, поэт, каллиграф, опытный писец, историк, государственная политика, военный офицер, Саидзаде

Abstract. Sayyid Nizamiddin Muhammad Ma'sum ibn Safai Husayni Termizi, who is considered one of such nobles, carried out scientific and creative activities in India in the 16th and 17th centuries. This article analyzes the thinker's life, rich literary heritage, and the meaning of poetry. Information about the thinker in historical and modern sources was studied based on the method of literary-source studies and textual studies, and scientific conclusions related to the topic were given. At the end of the article, the direction of activity of the Termizites who worked in India was shown with factual information.

Keywords. Termiz, India, Movarounnahr, literary school, poet, calligrapher, skilled scribe, historian, public policy, military officer, sayidzada

КИРИШ

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша тарихи ва миллий қадриятлари бор. Шу қадриятлар орқали ушбу халқнинг маданияти ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни аниқланади. Мовароуннаҳр заминининг мутафаккирлари эса азалдан дунё илму фани ривожига ва юсак инсоний қадриятларни тараннум этишга намуна бўлиб келган. Айниқса, илму фан, адабиёт ва санъат соҳасида Мовароуннаҳр дарғалари дунё аҳлига устозлик қилган. Аждодларимизнинг илму фанга бўлган қизиқиши ва меҳру муҳаббати натижасида бугун ҳам дунё олимлари бизнинг аждодларимиз олдида қарздорлик масъулиятини сезишмоқда. Ҳадис илмининг ривожланишини Имом Бухорийсиз, Имом Термизийсиз тасаввур қилиш қийин бўлгани каби, фикҳ илмини Абу Ҳафс Кабир Бухорийсиз, Абу Ҳафс Сағир Бухорийсиз, Бурҳониддин Марғинонийсиз, тасаввуф илмини Ҳаким Термизийсиз, Мустамлий Бухорийсиз, мантиқ илмини Абу Бакр Даббусийсиз, араб тили грамматикасини Маҳмуд Замахшарийсиз, математика-алгебра илмини Муҳаммад ал-Хоразмийсиз, география ва табиатушунослик, этнография илмларини Аҳмад ал-Фарғонийсиз, Абу Райҳон

Берунийсиз, соғлом этикод ва калом илмини Имом Мотуридийсиз, шеърят майдонини Рудакий Самарқандийсиз, тиб илмини Абу Али ибн Синосиз, фалсафа ва ахлоқ илмларини Абу Наср Форобийсиз, астрономия илмини Мирзо Улуғбексиз, туркий шеърятни Навоийсиз, дунё ҳарбий сиёсати ва давлат бошқарувидаги оқилона сиёсат юритишни Темурмаликсиз, Жалолиддин Мангубердийсиз, Амир Темурсиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобурсиз, бадий санъат санлмиш рассомликни Камолиддин Бехзодсиз, Мушқинкалам Термизийсиз тасаввур қилиш кийин. Негаки, юқорида номи саналган зотлар илму фан ва санъат ривожига умрбоқий асарлар мерос қолдиришган. Албатта, бу зотларни шу даражага етишга Ислом динининг илмга бўлган эътибори биринчидан сабаб бўлган бўлса, иккинчидан халқимизнинг илму фанга бўлган муҳаббати, истеъдоди ва интилиши ҳамдир.

Тарихий ва адабий манбаларда Самарқанд, Бухоро, Нахшаб, Кеш, Чоч, Термиз, Чағонруд, Ахсикат, Фарғона, Бақтиря, Хоразм, Хива каби қадимий шаҳрлар илму фан ва маданият марказлари бўлгани зикр этилади. Энг эътиборлиси шуки, кўпроқ бу жой номлари билан мутафаккирларимиз номи тилга олинади. Бухорийлар, Насафийлар, Кешийлар, Самарқандийлар ва Термизийлар насаб сифатида ёзилади. Албатта шу олимларнинг илму фанга бўлган эътибори, таълим-тарбияси, ёзилган асарларнинг таъсири натижасида ҳар бир асрда бу юртнинг фарзандлари орасида олиму фузало, шоиру удабо ва мутафаккирлар етишиб чиққан.

Мана шундай улуғ зотлардан бири асли Термизлик мутафаккир – Саййид Низомиддин Муҳаммад Маъсум Номий ибн Сафой ал-Ҳусайний ат-Термизийдир. Бу зот бобурийлар сулоласининг сиёсий вакили саналмиш Акбршоҳ ҳукмонлиги даврида Ҳиндистонда яшаб, ижодий фаолият юртиган. Бугун шу каби олимлар ҳаёти ва бой маънавий меросини ўрганиш, кенг китобхон оммасига тақдим этиш, ҳамда термизий алломаларнинг дунё илму фан ривожига қўшган ҳиссасини илмий жамотчиликка кўрсатиш даврнинг зарурати бўлган. Шунинг учун ушбу рисолада кўпчиликка ҳаёти ва ижодий фаолияти таниш бўлмаган – Номий Термизий ҳаёти, адабий-тарихий ва маънавий мероси борасида сўз боради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айрим манбаларда олимнинг асл исми Низомиддин Муҳаммад деб ёзилган бўлса, баъзи манбаларда эса Мир Муҳаммад Саййид Низомиддин шакли ҳам учрайди. Форс олими Умар ибн Муҳаммад “Торихи Синд” асарининг муқаддасида унинг исми “Саййид Низомиддин Муҳаммад Маъсум” эканлигини ёзган. Тахаллусини эса “Номий”, “Ҳусайний”, “Термзий”, “Бҳакрий” дея кўрсатади. Низомиддин Муҳаммад “Номий” тахаллуси борасида шундай дейди:

نامی از آن جا که فهم اوست سخن گفت
ورنه کمالات فهم کی رسد آن جا
[3, - С. 17].

Мазмуни: Инсоннинг энг олий тафаккури ҳам ушбу мақомнинг юксаклигини қайдан билади? “Номий” эса англаб етган мақомидан (ўрганилган илмлари ва тарбиси асосида) сўзлади.

Бошқа бир ғазалида “Номий” тахаллуси билан шундай дейди:

نامی که در هوای تو خواهد سپرد جان
در هر دو کون وسل تو میخواست از خدا
[3, - С. 19].

Мазмуни: Номий сени дийдоринг илинжида ўз боридан кечди, икки дунёда фақат сени васлингни тилади.

Мутафаккирнинг бошқа шеърларида ҳам “Номий” тахаллус сифатида қулланган. Демак, ушбу байтлардан маълум бўладики, Низомиддин Термизийннг шеърятдаги тахаллуси “Номий” бўлган экан.

“Мифтохут таворих” асарида мутафаккир Қандаҳордаги тарихий биноларнинг бири пештоқида ўзининг тўлиқ исми, насаби ва тахаллусини шундай ёзганини келтирилади: محمد معصوم بکربن سيد صفای الترمذی (Муҳаммад Маъсум Бақр бин Саййид Сафой ат-Термизий). Бу муаллифнинг асл исми шундай бўлганини инкор этилмайдиган ҳужжатидир. Албатта, бошқа фактик маълумотлардан кўра муаллиф ўз қўли билан ёзилган асар илмий этикада биринчи ўринда эътиборга олинади. Биз эса аллома замонида яшаган бошқа тазкирачи олимларнинг маълумотига таянган ҳолда мутафаккирнинг тўлиқ исми, тахаллуси ва насабини Саййид Низомиддин Муҳаммад Мир Маъсум Номий ибн Саййид Сафой ал-Ҳусайний ат-Термизий эканлигига аниқлик киритдик. “Саййид”, “Мир

Маъсум”, “Хусайний” каби унвон ва нисбалар Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам авлодидан бўлганлиги учун берилган. “Номий” шеърятдаги тахаллуси, “ат-Термизий” нисбаси эса алломанинг аждодлари асли Термизлик бўлиб, маконга хос нисба сифатида қулланган. Низомиддин Термизий таржимаи ҳоли борасида манбаларда маълумот жуда кам учрайди. Низомиддин Бахший “Табақоти Акбарий” асарида у билан бир неча йиллар суҳбатда бўлган бўлса-да “унинг таржимаи ҳоли” борасида бир икки сатр маълумот билан чекланган. Ушбу асарда Низомиддин Термизийни “Сафавийларнинг содоти” (“Сафавийларнинг саййидзодалари”) бўлгани тилга оланди. [5, - С. 500].

Абдулқодир Бадавоний “Мунтахабут таворих” асарида Мир Маъсум билан яқин дўстлиги бўлган. Асарида ҳаёти ва шеърларидан намуна келтиради.

Шайх Фарид ибн Шайх Маъруф Бакрий “Захиратул хавонин” асарида мутафаккирнинг ҳаёти, асарлари ва мохир бинокорлиги борасида маълумот бериб ўтади. [1, - С. 364-366].

Шоҳнавозхон “Муосирул умаро” асарида Мир Маъсум ва ўғли Мир Бузург ҳақида бироз автобиографик маълумот бериб ўтган. [3, - С. 366].

Бугунги давр тадқиқотчилардан Умар Муҳаммад Довуд Пўта Низомиддин Муҳаммаднинг “Торихи Синд” асари муқаддимасида мутафаккирнинг ҳаёти ва бой мероси борасида илмий-мулоҳазаларга бой маълумотларни тақдим этган. Шунингдек, алломанинг насабномаси борасида ҳам фактик далилларни мисол келтирган[3, - С. 366].

Мутафаккир ҳаёти ва бой мероси борасида бугунги кунга қадар ушбу маълумотлар тақдим этилган ҳолос. Маҳаллий олимларимиздан Мирзо Кенжабек “Термиз тазкираси” [2, - Б. 192], Жўрабек Чўтматов “Термизнинг безавол қалъалари ёхуд тарихи” [6, - Б. 352], Бобоназар Муртазоев каби тадқиқотчилар ҳаёти ва мероси борасида қисқча маълумот беришгани, ушбу тадқиқотнинг илк қадами десак тўғри бўлади. “Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари катологи” номли фундаментал тадқиқотда ўз аксини топиб, дунё қўлёзмалар фондида бугунги кунга қадар 1419 ортиқ Термизий мутафаккирларнинг илмий

мероси сақланиши кўрсатиб ўтилган[4, - Б. 178].

Мутафаккирнинг ҳаёти ва меросини ўрганишда бу манбалардан ташқари ўзинининг асарларига мурожаат қилдик. Чунки ўз асарида мутафаккир, ҳаёти, фарзанди, касбу кори, илмий-иждодий фаолияти, шахсий характери, диний қарашлари, олам ва одамга бўлган фалсафий ёндашуви, индивидуал хислатлари борасида гоҳида очиқ ва гоҳида шеърлар ва тарихий воқеалар қатида маълумот бериб ўтган.

Таваллуд санаси. Саййид Низомиддин Муҳаммад Маъсум Номий Термизий рамазон ойининг еттинчи санаси 944/1537 йили Покистон мамлакатининг Баҳакр (қадимий Сакҳар) қасабасида зиёли оилада дунёга келган. Номий Термизий тарбияси масаласида ота-онаси алоҳида эътибор қаратган. Бу борада Номий Термизийнинг ўғли Мир Бузург отасининг таваллуди муносабати билан ёзилган тарих моддаси муҳим эътиборга молик.

شد طلوع آن شمس در خانه صفای از خدا
از بروج نیک در ساعت سعید آن شد عیان
بود آن تاریخ هفتم لیل دشنبه از صیام
سال نهصد و چهل بود از وی زواید چار دان
[3, - С. 17].

Мазмуни: Сафойи хонадониди Аллоҳ изни билан қўёшнинг нури порлади. Ёруғ буржлардан бахтли онларда у (Номий Термизий) ўз юзини кўрсатди. Рамазон ойининг еттинчи душанба кун, туққиз юзу қирқинчи йил тарихига тўрт рақамни қўшиб ҳисоблангиз таваллуд санасининг йили чиқади.

Номий Термизийнинг ота-боболари асли Термизлик бўлган. Бу борада Номий ўз асарларида, замондош тазкирачилар ҳамда кейинги давр тадқиқотчиларнинг асарларида маълумот бериб ўтилган[3, - С. 17]. Номий Термизийдан олдин икки ёки уч авлод дастлаб Қандаҳорга кўчиб боришган.

Асарлари. Мир Маъсум турли фанлар соҳасида йирик мутафаккир олим бўлган. Гарчи у киши аслида давлат сиёсий арбоби, мохир овчи, бинокор ва табиб бўлса-да шеърят, тиббиёт, тарих, фалсафа, ахлоқ, тасаввуф, мантиқ ва калом илмларида ўз замонасининг билимдони эди. Мутафаккир баракали умри давомида давлат ишидан фориғ бўлган вақтлари кўпроқ мутолаа ва иждод қилиш билан банд бўлган. Айниқса умрининг ўрта қисми ва охирларида илмий-иждодий ишларга алоҳида

эътибор қаратган. Бу зот ҳаёти ва фаолияти борасида қўпроқ “Торихи Синд” асари ҳамда ўғли Мир Бузург томонидан автобиографик маълумот бериб ўтилган. Бугунги кунга қадар алломадан бизгача қуйидаги асарлар мерос қолганини қўриш мумкин.

“Тиббий Номий” асари. Тиббиёт мавзусида икки китоб ёзган. “Тиббий Номий” (“Номийнинг тиббиёти”) асари. Мазкур асар бугунги кунда Покистонлик олим, алломанинг авлодидан бўлмиш Мунаввар Али Саййид Маъсумий шахсий кутубхонасида бор. “Тибби Номий” асари тиббиёт илмига бағишланган муҳим илмий асарларидан биридир. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, инсон жисми ва руҳи билан боғлиқ бўлган тиббий муолажаларни ўз ичига қамраб олади. Жумладан, ўсимликлар оламининг ўзига хусусиятлари, инсон жисмига фойдали ўсимликлар дунёси, табиатнинг ноёб ўсимликлари таснифи, танага озуқа бўладиган ўсимликлар номи, жисми соғломлаштирувчи ўсимликлар рўйхати, истеъмоли фойдали ўсимликлар, истеъмоли зарарли ўсимликлар ва дориворларни тайёрлаш каби мавзулар ёритилган.

“Муфрадоти Маъсумий” (“Маъсумийнинг муфрадоти”) асари ҳам тиб илмига бағишланган ноёб асарлардан саналади. Ушбу асарда муаллиф тиббий муолажарнинг энг афзали тўғри овқатланиш, ўз вақтидаги бадантарбия ва меъёри билан ўхлашлик эканлигини айтиб ўтган.

Маъсумий бутун умрини ижодий ишлар, халққа ёрдам кўрсатиш, бинолар барпо этиш, масжидлар қуриш, мадраса бино қилиш каби хайрли ишларга сарф этган. Ўзи бу борада шундай дейди:

توان کردن تمام عمرا مصروف آب و گل
که شاید یک دمی صاحب‌دلی در وی کند منزل
[3, - С. 22].

Мазмуни: Бутун умрни сув ва лой қориш билан иморат барпо этишга сарфлашга имкон бор, шоядки, барпо этилган манзилга улуғ бир кишининг қадами етса.

“Девон”и. Абдуқодир Бадавоний: “Мир Маъсум шеърятда моҳир бўлиб, “Номий” таҳаллуси билан шеър ёзарди. Муаммо ва шеърятда маҳоратли, нафосатли ва олийфитрат эди” [3, - С. 22].

“Торихи Синд” муқаддимасида “тиббиётга бағишланган асарларидан ташқари шеърӣ девони ҳам бор”лиги айтиб ўтилган. Шоир

девонининг бир нусхаси Покистонлик Нур Алишоҳ Маъсумийнинг шахсий кутубхонасида сақланиб келади. Демак, бундан келиб чиқадики, шоирнинг иккинчи йўналишдаги асари шеърятга бағишланган “Девон” экан. Мир Маъсумнинг ушбу девонида ғазал, қасида, маснавий каби жанрлардаги шеърлари ўрин олган. Инсоний ахлоқ, пок муҳаббат, ижтимоий муносабатлар, орифона талқинлар, борлиқ ҳақида фалсафӣ тафаккур, тарихий воқеалар баёни, шарқона панд-насихат, ҳамд, муножот, наът каби мавзулар шоир шеърятининг асосий қисмини ташкил этади.

Мир Маъсум Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сига таяниб маснавий вазнида “Хамса” ёзади. Бу асар 1604 йили ёзилгани ҳақида “Торихи Синд” асарининг муқаддимасида айтиб ўтилган. Бирок, ушбу асардан фақатгина тўртта дафтари номи бизгача етиб келган. “*Маъдан ул-афкор*” (“*Маҳзанул асрор таъсирида*”), “*Хусн ва Ноз*” (“*Хусрав ва Ширин таъсирида*”), “*Акбарнома*” (“*Сикандарнома таъсирида*”), “*Парий Сура*т” (“*Лайли ва Мажнун таъсирида*”). Номийшунос олим Умар ибни Муҳаммад “бу маснавийларни “мафқуд” (йўқолган) асарлар” – деб таъкидлайди.

“Торихи Синд”. Мир Маъсум шеър ёзишдан ташқари тарихий мавзуда ҳам қалам тебратган. Акбаршоҳ ҳукмронлиги остида бўлган Ҳиндистон ва Покистон тарихига оид муътабар тарихий манбалардан бири – Мир Маъсумнинг “Торихи Синд” асаридир. “Муоисирул умаро” ва “Табақоти Акбарий” асарларида Мир Маъсумнинг тарихнавислик борасидаги истеъдоди тавсифга лойиқлиги алоҳида қайд этилган. “Торихи Синд” асарини баъзи манбаларда “Торихи Маъсумий” номи билан тилга олинади.

Мутафаккир бутун баракали умри давомиди ижод қилишдан тўхтамади. Шунингдек илмий-ижодий ишлар билан биргаликда Акбаршоҳ саройида қўмондон даржасида фаолият кўрсатди. Бўш вақтларида наққлош, ўймакорлик, бинокорлик, котиблик билан ҳам шуғулланарди. Вақтга бўлган эътибор, умрнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билишлик натижасида юқорида зикр қилинган ишлар дунё юзини кўрди. Бу зот ўз ватани Покистон жумҳуриятининг Баҳақр номли шаҳарчада 1610 йили касалликдан вафот этади. Унинг мозори ёнида бутун оиласи мақбараси жойлашган.

Хулоса

Термиз адабий мактаби узок ўтмиш тарихга эга. Адиб Собир Термизий, Мунжик Термизий, Вазир Абу Бақр Термизий, Саййид Бурҳониддин Термизий каби намояндаларнинг бой илмий-адабий меросининг шу заминда ёзилиши бевосити Термизда адабий мактаб X-XI асрларда ўз фаолиятини бошлаганидан далолат беради. Айниқса, Адиб Собир Термизий даврида Термиз заминиди адабиёт ва санъат ривожланган давр бўлган. Сабабики, Адиб Собир Термизийнинг мукаммал ва бой мазмунли шеърӣ девон ёзишига давр ижтимоӣ муҳитнинг таъсири катта бўлган. Ёки, Мунжик Термизий адабий меросининг мазмунига назар солсак, бевосита Термизда адабий мактаб фаолияти анча ривожланганидан далолат беради. Жалолиддин Румӣдек улуғ мутафаккирни тарбиялаган зот – Термиз адабий мактабининг буюк вакили саналмиш – Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий бўлган. Термиз адабий мактабининг вакиллари XI асрдан XII асргача шу заминда фаолият юритган бўлса-да кейин даврининг сиёсий ижтимоӣ ва иқтисодӣ тақозоси ўлароқ XIII асрдан XVII асргача бу заминда адабий мактабнинг фаолияти тўхталиб, шу заминниуг фарзандлари бошқа диёрларда ижодӣ фаолият олиб боришади. Термиз қадимдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани учун ташқи ва ички миграция кучли бўлган. Савдо-сотик ва илм йўлида Термизлик олимлар Балх, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Араб диёрларига сафар қилишган. Мисол учун 1231 йил Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий илмӣ фаолиятини янада мукаммаллаштириш мақсадида Салжуқийлар пойтахти саналмиш Туркиянинг Кўния шаҳрига отланади. У ерда умрининг охиргача яшаб, 1245 йил Туркиянинг Қайсария шаҳрида оламдан ўтади. Бугунги кунда Саййид Бурҳониддин Термизийнинг мақбараси шу шаҳарда жойлашган. Умар Термизий ва Абу Жаъфар Термизий каби улуғ муфассир зотлар ҳам араб диёрларида фаолият юритгани ва ўша ерларда вафот этгани фикримизни янада жонлантиради.

Темурийлар подшоҳи Шохрух Мирзо даврида Термизий саййидларнинг маълум бир қисми Балх шаҳри Эрон ва Ҳиндистон мамлакатларига кўчиб кетишган. Бунга мисол сифатида Фатҳий Термизий, Саййид Али Термизий (Пирбобо), Саййид Музаффар

Термизий, Мир Мусаввир Жудой Термизий, Номий Термизий каби зотларнинг ота-боболари Термиздан кўчиб, Эрон ва Ҳиндистон диёрларини маскан тутишгани ёрқин далилдир. Маълумки, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда диёри илм-фан санъат ва маданият кенг ривож топганди. Бунга асосан Бобурийлар ҳукмдорларининг олиму уламо, фозилу фузало ва шоиру шуароларга бўлган ғамхўрлиги ҳамда ҳомийлиги сабабдир. Диёримиздан етишиб чиққан кўплаб илму фан ва адабиёт дарғалари маълум сабаблар орқали Ҳинд диёрига кўчиб боришган. Амир Хусрав Деҳлавӣ ва Мирзо Абдулқодир Бедиллар асли Шаҳри Сабзлик бўлган. Буюк мутасаввиф олим ва мутафаккир Зиёуддин Нахшабӣ ҳам асли Насаф шаҳридан бўлиб, илмӣ фаолиятни эса Ҳиндистонда давом эттирган. Бу каби мисоллар тарихда жуда кўп.

Фойдаланилган адабиётлар
рўйхати

1. Абдулқодир Бадавонӣ. Мунтахабут таворих/ жилди 3. – Калкутта. Форс қолежи, 1865. – С. 364-366.
2. Кенжабек М. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. — 192 б.; Шу муаллиф. Буюк Термизийлар. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017. — 528 б.
3. Саййид Муҳаммад Маъсум Бақрий/тасҳиҳ Умар Муҳаммад Довуд Пуъта. – Техрон: Асотир, 1938. – С.17.
4. Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги. – Тошкент: Фан, 2018.
5. Хожа Низомиддин Муҳаммад. Табақаоти Акбарӣ/ жилди 2. – Техрон: Абулхусно, 1401 х.ш. – С. 500.
6. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёҳуд Термиз тарихи. –Тошкент: Янги нашр, 2017. — 352 б.
7. Шайх Фарид ибн Шайх Маъруф Бақрий. Захиратул хавонин. – Нусхаи хаттии хусусии Мавлавӣ Абдулҳақ Мударрис.
8. Шоҳнавозхон. Муосирул умаро/ 3 жилд. – Техрон: Асотир, 1348. – С. 326.